

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ДАВРОН РАХМАТОВИЧ**

**КЕЧИКИШЛИ ТЕХНОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ**  
**АДАПТИВ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ**  
**СИНТЕЗЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш**  
**ва бошқариш (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каримов Даврон Рахматович**

Кечикишли технологик объектларнинг адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмлари.....3

**Каримов Даврон Рахматович**

Алгоритмы синтеза систем адаптивного управления технологическими объектами с запаздыванием .....21

**Karimov Davron Rakhmatovich**

Algorithms for synthesis of the adaptive controlling the lagged (delayed) technological objects.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАРИМОВ ДАВРОН РАХМАТОВИЧ**

**КЕЧИКИШЛИ ТЕХНОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИНГ  
АДАПТИВ БОШҚАРИШ СИСТЕМАЛАРИНИ  
СИНТЕЗЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш  
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Т311 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Игамбердиев Хусан Закирович**  
академик, техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Гулямов Шухрат Манапович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Холматов Давронбек Абдалимович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Навоний давлат кончилиқ институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» 10 соат 12<sup>оғ</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (163 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2020 йил «8» 10 кун тарқатилди.  
(2020 йил «19» 09 даги 22 рақамли реестр баённомаси).



**Н.Р.Юсупбеков**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**У.Ф.Мамиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Ж.У.Севинов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,  
техника фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сўнги йилларда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш ва технологик агрегатлар қувватини оширишга, ишлаб чиқариш мажмуалари бошқаруви тараққиётига ҳамда оптимал ва адаптив бошқаришга қаратилган замонавий технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги пайтда, тезкорлик билан ривожланаётган турли тармоқларда реал технологик объектларни бошқариш жараёни, юқори даражада сифатли бўлган маҳсулотларни кам энерго ва ресурс харажатларда амалга оширишни таъминлашнинг жиддий ашёвий воситалари сифатида ахборот технологияларини қўллаш жуда долзарб масалалардан бири эканлиги эътироф қилинмоқда. Бу соҳада тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқаришлар самарадорлиги ва маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминловчи технологик объектларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Жаҳонда турли автоматлаштириш ва бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш муҳим масалалар сифатида қайд этилади, шу билан бирга технологик объектлар, замонавий математик усуллар ва ахборот технологиялари учун адаптив бошқарув тизимларини яратиш, уларни такомиллаштиришга, инновацион гоялар ва бошқарув технологияларини жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир вақтда модел ва алгоритм усулларни ишлаб чиқиш, интеллектуал таҳлил усуллари интеграциялашуви асосида мураккаб объектларни бошқариш моделларини яратиш, алгоритмларни синтезлаш усуллари, алгоритмларини ишлаб чиқиш, бошқариш, ахборотни қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш муҳимдир. Бунга боғлиқ ҳолда кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш тизимларини синтезлаш алгоритмларини такомиллаштириш ва модификациялаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Республикамизда бугунги кунда автоматлаштириш ва бошқариш йўналишига, жумладан турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи такомиллаштирилган бошқариш системаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, бошқариш жараёнларининг сифат кўрсаткичлари ва аниқлигини оширишга имкон берувчи кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2012 йил 21 мартдаги ПҚ–1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон «Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга оид илмий-техник адабиётларни таҳлил қилишдан маълум бўлишича, бу соҳада етарлича назарий ва амалий натижаларга эришилган.

Бу соҳанинг ривожланишига кўплаб хорижлик олимлар, жумладан De R. Keyser, Th. Nanayakkara, K. Y. Rama, J. Saridis, P.V. Shankar, J.Y. Dieulot, A.A. Бобцов, Е.Л. Еремин, А.М. Цыкунов, А.А. Пыркин, Н.И. Смирнов, А.И. Репин, А.В. Имангазиева, А.П. Захаров, Л.М. Яковис, В.И. Гостев, Р.Д. Ахметсафин, Р.З. Ахметсафина, А.И. Рубан, О.О. Мухина, А.З. Асанов, В.Н. Фомин, А.Л. Фрадков, И.Б. Фуртат, Я.З. Цыпкин, Ш.Е. Штейнберг ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Б.М. Азимов, Т.Ф. Бекмуратов, Ш.М. Гулямов, И.И. Жуманов, О.О. Зарипов, Х.З. Игамбердиев, М.А. Исмаилов, А.А. Кадыров, Н.З. Камалов, М.М. Камилов, А.Р. Марахимов, И.Х. Сиддиқов, Н.Р. Юсупбеков ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар доирасининг доимий равишда мураккаблашиши ва кенгайиши сабабли кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини янги самарали усуллари ва алгоритмларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундан ташқари, объектларни идентификациялаш ва адаптив бошқариш бўйича тургун алгоритмларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, бу эса кечикишли динамик объектлар учун адаптив бошқариш тизимларини қуриш спектори ва уни амалга ошириш алгоритмик процедураларини кенгайтиради ва уларнинг ишлаш самарадорлигини оширади. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш тизимини яратиш учун келгусида қатъий суратда самарали алгоритмларни яратиш ва уларни модификациялаш зарур бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг А-5-42 – «Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017), ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг тургун алгоритмлари, ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кечкишли технологик объектларнинг адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усул ва алгоритмлари ривожини тизимли таҳлил қилиш;

бошқариш объектларида доимий кечикиш қийматини тургун баҳоловчи алгоритмларни ишлаб чиқиш;

кириш ва чиқиш сигналларини амалга ошириш асосида кечикишли бошқариш объектларини идентификациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кечкишли бошқариш объектларини идентификациялашнинг тургун алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кечкишли бошқариш системасини синтезлаш алгоритмларни ишлаб чиқиш;

эталон моделдан фойдаланиб адаптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бошқариш таъсиридаги кечикишли объектлар учун адаптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бошқариш системасини куриш масаласини ечишда ишлаб чиқилган алгоритмлар ва ҳисоблаш схемаларини аниқ технологик объектларда амалий синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини тургун синтезлаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, идентификациялаш, баҳолаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

алгоритмни хотира кенглигини турли қийматлари учун кириш ва чиқиш сигналларини амалга ошириш асосида кечикишли бошқариш объектларини идентификациялашнинг тургун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

мунтазамлашган энг кичик квадратлар усули асосида кечикишли бошқариш объектларини идентификацияловчи тургун, рекуррент, корреляцияли алгоритмлар ишлаб чиқилган;

матрицаларни тургун псевдоўзгартиришнинг Эрмит усулига ва бузилмаган матрицаларга икки томонлама кўпайтиришдан фойдаланиш асосида эталон модели адаптив бошқаришни тургун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

минимал псевдотескари матрица ва сингуляр ёйиш усули асосида бошқаришда кечикиш мавжуд бўлган объектларни адаптив бошқаришни тургун алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кечкишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини тургун синтезлаш масалаларини ечишни алгоритм ва дастурлар билан қувватлашга мўлжалланган дастурий модуллар ишлаб чиқилган;

нормал ишлаш шароитида саноат тажрибаси натижалари асосида аммиак селитраси эритмасини буглатиш жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилган;

аммиакли селитра эритмасини буглатиш технологик жараёнини автоматлаштириш ва адаптив бошқаришнинг структуравий ва функционал схемалари ишлаб чиқилган;

жараёнларнинг технологик режимларини барқарорлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имконини берадиган аммиакли селитра эритмасини буглатиш технологик жараёнини тегишли техник таъминотли бошқариш тизими таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши; динамик объектларни адаптив бошқаришнинг назарий асосланган мезонларини қўлланилиши; замонавий автоматик бошқариш назариясининг синовдан ўтган усуллари ва алгоритмларини ишлатилиши; адаптив бошқаришнинг таклиф этилган усуллари ва алгоритмларини талаб даражадаги яқинлиги; назарий ва амалий тадқиқот натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини тургун синтезловчи конструктив алгоритмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кечикишли объектларни адаптив бошқариш системаларини тургун синтезлаш масалаларини математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган алгоритмлар узлуксиз ишлаб чиқаришли технологик жараёнларни адаптив бошқариш системаларининг функционал структурасини қуришда ва лойиҳалашни автоматлаштириш кенг қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш алгоритмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

матрицаларни тургун псевдоўзгартиришнинг Эрмит усулидан ва бузилмаган матрицаларга икки томонлама кўпайтиришдан фойдаланиш орқали ишлаб чиқилган эталон модели адаптив бошқаришни тургун



алгоритмлари “Навоийазот” АЖДа жорий қилинган (“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖнинг 2020 йил 30 июндаги 14-2929-сон маълумотномаси). Натижада, ҳолат вектори вақтга боғлиқ ҳолда керакли қонуният билан ўзгариб туради ва системадаги ўзгаришлар эталон ҳаракатларга яқин келишини таъминлашга имкон берган;

минимал псевдотескари матрица ва сингуляр ёйиш усули асосида бошқаришда кечикиш мавжуд бўлган объектларни адаптив бошқаришни тургун алгоритмлари “Навоийазот” АЖДа жорий қилинган (“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖнинг 2020 йил 30 июндаги 14-2929-сон маълумотномаси). Натижада, аммиак селитра эритмасини буглатиш жараёнларининг технологик режимларини ўтишини барқарорлаштиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маълумот қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 та хорижий ва 4 та республика журналларида нашр этилган. Шунингдек, ЭХМ учун дастурий маҳсулотга рўйхатдан ўтган 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади, жумладан фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Киришда** ўтказилган диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**«Кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш масалалари ва алгоритмлари»** номли биринчи бобда кечикишли объектлар параметрлари, уларнинг хусусиятлари келтирилган, адаптив бошқариш системаларини синтезлаш усуллари ва алгоритмлари тадқиқот мақсади ва вазифаларининг қўйилиши келтирилган.

Ақсар технологик жараёнлар кечикишлар ва ностационарлик хусусияти билан тавсифланади. Бундай жараёнларни бошқариш системаларини куриш мураккаб. Юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишнинг энг яхши йўли адаптив ёндашишдан фойдаланишдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлаш масаласини системали градиациялаш методологияси бу ўринда мувафақиятли бўлади. Бу

методология мунтазам усуллар ва бошқариш объектлар динамикасига оид тескари масалалар концепциясини қўллашга асосланади. Шунинг учун кечикишли динамик системаларнинг ҳолатини мунтазамлаш усуллари билан аниқ ҳисоблашга қаратилган ҳамма имкониятларни кўриб чиқиш ва ноаниқ қўйилган масалаларни ечиш усуллари ва алгоритмларини топиш мақсадга мувофиқ. Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, мазкур диссертация ишининг мақсади кечикишли технологик объектларни адаптив бошқариш системаларини мунтазам синтезлаш алгоритмларини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқишни ёритиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш деб таърифлаш мумкин.

Диссертациянинг «**Кечикишли динамик объектларни бошқаришда мунтазам идентификациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли иккинчи бобида динамик системаларда доимий кечикишни баҳолашнинг тургун алгоритмлари, кечикишли бошқариш объектларини кириш ва чиқиш сигналлари асосида идентификацияловчи, кечикишли динамик бошқарув объектларни идентификациялаш, кечикишли чизикли дискрет системаларни кечикишсиз, ҳолат векторлари кенгайтирилган система кўринишида тасвирлаш келтирилган.

Бошқариш масалаларида жуда кўп ҳолларда системанинг кириш ва чиқишларини ўлчаб, объект ва ўлчов параметрлари робастли аниқланадиган масала амалиёт учун муҳимдир. Кечикишли системаларни параметрик идентификациялаш алгоритми келтирилган, бунда кириш ва чиқиш сигналларининг вақтга боғлиқ муносабатлари, динамиканинг тескари масалалар концепциясидан фойдаланиб кўриб чиқамиз.

Қуйидаги чизикли тенгламалар ифодаланган бошқариш объектини кўриб чиқамиз:

$$x(t+1) = a_0 + \sum_{i=1}^{n_1} a_i x(t+1-i) + \sum_{i=n_1+1}^n a_i x(t+1-\tau_1-i) + \sum_{j=1}^m a_{n+j} u(t+1-\tau-j) + \xi(t), \quad t \geq 0 \quad (1)$$

Координаталар- $x$  ва бошқарувлар  $u$  маълум. Бу ерда  $\tau_1, \tau$ - дискрет соф кечикишлар, бошқарувчи таъсир амплитуда бўйича оддий чекловга эга  $u_1 \leq u(t) \leq u_2$ , халақит ҳам чекланган:  $|\xi(t)| \leq \xi_1, a_i (i=0, \dots, n+m)$  – объектнинг номаълум, доимий параметрлари.

Қуйидаги (1) ифодага асосланиб қуйидаги нисбатларни матрица кўринишида ёзамиз ва улардан кечикишли объектни идентификациялашда фойдаланамиз

$$Y(t) = Z(t-1)a(t), \quad (2)$$

бу ерда  $Y(t) = (y^T(t) \dots y^T(t-p+1))^T, Z(t-1) = (z^T(t-1) \dots z^T(t-p))^T,$   
 $z(k) = (1, x(k), \dots, x(k+1-n_1), x(k-\tau_1-n_1), \dots, x(k+1-\tau_1-n), u(k-\tau), \dots, u(k+1-\tau-m)),$   
 $u(k-\tau), \dots, u(k+1-\tau-m)), a^T(t) = (a_0, a_1, \dots, a_{n+m}),$

$p \geq 1$  – идентификациялаш алгоритмида хотира чуқурлиги.

Параметрларнинг орттирмалари вектори  $\Delta a(t) = a(t) - a(t-1)$  ни  $\|e_0(t) - Z(t-1)\Delta a(t)\|^2 = \min, \|\Delta a(t)\|^2 = \min$  меъзон орқали топилади: бу ерда  $e_0(t) = x(t) - Z(t-1)a(t-1), x(t) = (x^T(t) \dots x^T(t-p+1))^T,$  яъни  $\Delta a(t) = Z^+(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)).$

Хотира чуқурлиги  $p$  нинг қийматига боғлиқ  $Z(t-1)$  матрица ортиқча аниқланган, етарлича аниқланмаган ва квадратли бўлиши мумкин. Айтилган ҳолатлар учун (2) тенглама ечимларини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\Delta a(t) = (Z^T(t-1)Z(t-1))^{\dagger} \cdot Z^T(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)), \quad (3)$$

$$\Delta a(t) = Z^T(t-1)(Z(t-1)Z^T(t-1))^{\dagger} (x(t) - Z(t-1)a(t-1)),$$

$$\Delta a(t) = Z^+(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)). \quad (4)$$

Ифода (4)ни қуйидагича мунтазамлаш мақсадга мувофиқ:

$$\Delta a(t) = (Z^T(t-1)Z(t-1) + aI)^{-1} \cdot Z^T(t-1)(x(t) - Z(t-1)a(t-1)),$$

$$\Delta a(t) = Z^T(t-1)(Z(t-1)Z^T(t-1) + aI)^{-1} (x(t) - Z(t-1)a(t-1)),$$

$$\Delta a(t) = (Z(t-1) + aI)^{-1} (x(t) - Z(t-1)a(t-1)).$$

Мунтазамлаш параметри  $a > 0$  ни квазиоптималлаш ёки квазиуносабатлар орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Келтирилган алгоритмлар кечикили бошқариш объектларини кириш ва чиқиш сигналлари орқали тургун идентификациялаш имконини беради.

Фараз қилайлик дискрет, динамик, сигналлари кечикадиган номаълум бошқарув объекти қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$A(z^{-1})y(k) = z^{-d}B(z^{-1})u(k) + v(k), \quad (5)$$

бу ерда  $A(z^{-1}) = 1 - a_1z^{-1} - \dots - a_naz^{-na}$ ,  $B(z^{-1}) = b_0 + b_1z^{-1} + \dots + b_nbz^{-nb}$ , ва  $z^{-1}$  - ортга суриш оператори.

Шунда  $\{u(k), y(k), k=1, \dots, N\}$  ўлчами  $N > \max\{na + nb + 1, d + nb + 1\}$  бўлган дискрет маълумотлар кетма-кетлиги бўлсин. Қуйидаги ифодаларни киритамиз

$$\theta^T = [a^T; b^T] = [a_1, \dots, a_{na}; b_0, b_1, \dots, b_{nb}], \quad \varphi_{k,d}^T = [y_k^T; u_{k,d}^T] = [y(k-1), \dots, y(k-na), \\ u(k-d), u(k-d-1), \dots, u(k-d-nb)].$$

Модель (5) ни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:  $y(k) = \varphi_{k,d}^T \theta + v(k)$ .

Шунда  $\hat{d}$  параметр  $d$  нинг баҳоси бўлсин. Қуйидаги энг кичик квадратлар меъзонидан фойдаланамиз  $J(\hat{d}) = \frac{1}{N} \sum_{k=1}^N [y(k) - \varphi_{k,\hat{d}}^T \theta]^2$ . Меъзонни  $\theta$  бўйича минимизациялаштириб система параметрларини баҳолаш учун қуйидаги ифодани келтириб чиқариш мумкин:

$$A\hat{\theta}_{LS}(\hat{d}) = c, \quad (6)$$

бу ерда  $A = \left[ \sum_{k=1}^N \varphi_{k,\hat{d}} \varphi_{k,\hat{d}}^T \right]$ ,  $c = \left[ \sum_{k=1}^N \varphi_{k,\hat{d}} y(k) \right]$ .

Тенграмалар системаси (6) ёмон шартланган бўлиши мумкин. Бу ҳолат (6) тенграмани ечишда мунтазамлаш усулларида фойдаланишни тақозо этади.

Аппроксимация шартининг  $\|c - \bar{c}\| \leq \delta$ ,  $\|A - \bar{A}\| \leq h$ ,  $\gamma \equiv (\delta, h)$  кўринишни қўллаемиз. Нормал ечимига  $\hat{\theta}_{LS}^0(\hat{d})$  жоиз яқинлашув бўлганда, тенграманинг нормал ечимига  $\hat{\theta}_{LS}^0(\hat{d})$  кўйиш мумкин:  $Q_\gamma$  синфидаги векторлар  $\hat{\theta}_{LS}(\hat{d})$  векторни топиш  $\hat{\theta}_{LS}^\gamma(\hat{d})$ , минималлаштириш функционали  $\Omega[\hat{\theta}_{LS}(\hat{d})] = \|\hat{\theta}_{LS}(\hat{d})\|^2$ , шундай экан

бундай  $\inf_{\hat{\theta}_{LS}(\hat{d}) \in Q_\gamma} \|\hat{\theta}_{LS}(\hat{d})\|^2 = \|\hat{\theta}'_{LS}(\hat{d})\|^2$  векторни топиш  
 $\hat{\theta}'_{LS}(\hat{d}) \in Q_\gamma \equiv \{\hat{\theta}_{LS}(\hat{d}); \|A\hat{\theta}_{LS}(\hat{d}) - c\| \leq 2(h\|\hat{\theta}_{LS}(\hat{d})\| + \delta) + \mu\}$ .

Фараз киламиз,  $d$  соф кечикиш  $0 \leq T_1 \leq d \leq T_2$  ораликда ётади, бунда  $T_1$  ва  $T_2$  маълум. Ўзаро корреляцияли функция  $r_{yu}(\cdot)$  нинг қийматлари дискрет ахборот бўйича ҳисоблаб топилади

$$\hat{r}_{yu}(t) = \frac{1}{N} \sum_{k=1}^N y(k)u(k-t), \quad t = T_1 - p, \quad T_1 - p + 1, \dots, T_2 - p. \quad (7)$$

$\hat{d}$  қиймат қуйидаги шартлар асосида топилади:

$$|\hat{r}_{yu}(t)| < \varepsilon, \quad t < \hat{d} - p, \quad |\hat{r}_{yu}(\hat{d} - p)| \gg \max\{|\hat{r}_{yu}(t)|, t = T_1 - p, \dots, \hat{d} - p - 1\}$$

бу ерда  $\varepsilon$  - кичик мусбат сон, тегишли тарзда танланади.

Зарур маълумотлар ҳамиша танлаш учун қуйидаги эмперик қоидадан фойдаланилади  $\Delta T \cdot N > 10T_m$ , бу ерда  $\Delta T$  дискрет оралиги ва  $T_m$  идентификацияланаётган система учун вақтнинг асосий доимийси. Ўз-ўзидан аёнки, идентификациялаш амалидан талаб этилган натижани таъминлаш учун дискрет маълумотлар ҳажми, сигнал-шовқин нисбати ортишига мос ҳолда ортиши керак. Шунда кечикишни баҳолайдиган ва система параметрларини идентификациялаш алгоритмини ишлатиш мумкин. Қуйида (7) формула орқали корреляцияли функцияларни ҳисоблаш учун рекуррентли формулаларни аниқлаш мумкин

$$\hat{r}_{yu}(t, k+1), \quad t = T_1 - p, \quad T_1 - p + 1, \dots, T_2 - p. \quad (8)$$

Қуйидаги шартлардан фойдаланиб  $\hat{d}_{k+1}$  баҳо аниқланади

$$|\hat{r}_{yu}(t, k+1)| < \varepsilon_{k+1}, \quad t < \hat{d}_{k+1} - p, \quad (9)$$

$$|\hat{r}_{yu}(\hat{d}_{k+1} - p, k+1)| \gg \max\{|\hat{r}_{yu}(t, k+1)|, t = T_1 - p, \dots, \hat{d}_{k+1} - p - 1\}, \quad (10)$$

бу ерда  $\{\varepsilon_k\}$  – мусбат доимий кетма-кетлик нолгача монотон камайиб боради.

Кейин қайд этилган  $\hat{d} = \hat{d}_{k+1}$  учун  $\hat{\theta}_{k+1}(\hat{d}_{k+1})$  ҳисобланади, бунда оддий энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилади

$$\hat{\theta}_{k+1}(\hat{d}_{k+1}) = \hat{\theta}_k(\hat{d}_k) + P_{k+1} \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}} [y(k+1) - \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}}^T \hat{\theta}_k(\hat{d}_k)], \quad (11)$$

$$P_{k+1} = P_k - [1 + \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}}^T P_k \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}}]^{-1} P_k \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}} \varphi_{k+1, \hat{d}_{k+1}}^T P_k. \quad (12)$$

Қадамлар (8)-(12) ҳисоб тугагини аниқлаш учун меъзон бажарилмагунча такрорланаверади.

Келтирилган турғун рекуррент алгоритмлар тасодифий жараёнлар ва ҳалақитлар таъсирида бўлган кечикишли динамик бошқарув объектларини идентификациялаш жараёнининг аниқлигини ошириш имконини беради.

Шунингдек динамик системалардаги доимий кечикиш қийматини турғун баҳолаш ва кечикишли чизикли дискрет системаларни кечикишсиз вектор ҳолатлари кенгайтирилган система кўринишида ифодалайдиган алгоритмлар келтирилган. Келтирилган итерацияли алгоритмлар объектнинг динамикаси тенгламасидаги кечикишлар қийматини ҳисоблаш аниқлигини ва бошқариш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг «Кечикишли технологик объектларда адптив бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш» номли учинчи боби кечикишли объектларни чизикли бошқариш системасини адптив синтезлаш

алгоритмлари, блок импульсли функциядан фойдаланиб кечикишли системаларни оптимал бошқариш, адаптив бошқариш объектларининг эталон модели тургун алгоритмлари, кечикишли объектларни адаптив бошқаришни тургун алгоритмларини ишлаб чиқишга багишланган.

Шундай имкониятлардан бири ноаниқ эталон модели бошқариш системасидан фойдаланиш бўлиб, бошқаришнинг асосий контурига ва ўлчанадиган параметрларига талабларни камайтириш имконини беради. Бундай системаларни лойихалаш анча осон, объектнинг ҳолат векторини тўлиқ ўлчаш шарт эмас. Бундан ташқари, бошқарувчи қурилманинг параметрлари созлангандан кейин ўткинчи жараёнларининг сифати ноаниқ эталон модел ёрдамида аниқланадиган қандайдир эталон ўткинчи жараёнига яқин бўлади.

Бошқариш бўйича кечикишли динамик объектни кўриб чиқамиз, қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади:

$$x_{k+1} = A_k \cdot x_k + B_k \cdot u_{k-\tau} + \sigma; \quad u_s = \psi_s, \quad s \in [-\tau, 0]; \quad y_k = C \cdot x_k, \quad (13)$$

бу ерда  $\sigma = a(x_k, \xi_k) \cdot x_k + b(x_k, \xi_k) \cdot u_{k-\tau} + f_k$  – объектнинг эгри чизикли кесими, галаёнлар вектори билан бирга.

Объектни бошқариш қонуни (13) ни қуйидаги кўринишда берамиз:

$$u_k = g_k - D \cdot \tilde{x}_k + B_0^+ \cdot \mu_k - B_0^+ \cdot K_a \cdot \tilde{x}_k - B_0^+ \cdot K_b \cdot u_k, \quad (14)$$

бу ерда  $g_k$  – берилувчи таъсирлар вектори;  $D$  – чизикли, модал тесқари алоқаларнинг ўзгармас (доимий) матрицаси;  $B_0^+ = (B_0^T B_0)^{-1} B_0^T$  – матрица,  $B_0$  га псевдотесқари чап  $l \times n$ ,  $\mu_k$  – объектни адаптациялаш сигналларининг  $n$  ўлчамли вектори.  $\tau \cdot \mu_{k+1} + \mu_k = z$ , бу ерда  $\tau = \text{diag}(\tau_1, \dots, \tau_r)$ .

Кечикишни ҳисобга олмаган ҳолда объектнинг чизикли стационар яқинлашувини маълум ва  $x_{k+1} = A_0 \cdot x_k + B_0 \cdot u_k$ , дея фараз қилсак унда кузатувчанлик ва бошқарувчанлик шартлари бажарилади, формула (13) ни қуйидагича ёзамиз:

$$x_{k+1} = (A_0 + K_a) \cdot x_k + (B_0 + K_b) \cdot u_k + \sigma(x_k, k), \quad (15)$$

бу ерда  $\sigma(x_k, k) = \sigma$  – объектнинг ночизиклилигини ва ташқи халақит таъсирларни ҳисобга олувчи қолдик вектор.

Шундай экан (15) системанинг дастурий ҳаракати  $x_k^M$  система (15) берилган ноаниқ эталон модел формуласини қаноатлантиради:

$$x_{k+1}^M = A^M \cdot x_k^M + B^M \cdot g_k, \quad x_{k_0}^M = x_0^M, \quad (16)$$

бу ерда  $g_k$  – берилувчи таъсирнинг  $m$  ўлчовли вектори;  $A^M = A_0 - B_0 \cdot D$ ;  $B^M = B_0$ .

Шундай бошқариш қонуни  $u_k$  ни синтезлаш керакки, (15) система ҳаракати  $x_k$  нинг эталон ҳаракат  $x_k^M$  нинг  $\delta_0$  – яқин атрофига яқинлашувини таъминласин. Бунинг учун қуйидаги тенгсизлик бажарилишини таъминлаш керак:  $\|x_k - x_k^M\| = \|\tilde{e}_k\| \leq \delta_0 \quad \forall t \geq t_a$ , бу ерда  $\tilde{e}_k$  – бошқариш хатолигининг  $n$  ўлчамли вектори;  $t_a$  – адаптация давомийлиги.

Бошлангич объект (15) нинг ҳолат тенгламасини бошқариш алгоритми (14) ни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$x_{k+1} = A_0 \cdot x_k + K_a \cdot x_k + (B_0 + K_b) [g_k - D \cdot \tilde{x}_k + B_0^+ \cdot \mu_k - B_0^+ \cdot K_a \cdot \tilde{x}_k + B_0^+ \cdot K_b \cdot u_k] + \sigma. \quad (17)$$

Қуйидаги (17) га асосланиб ва (16) ни ҳисобга олиб бошқариш хатолиги тенгламасини қуйдагича кўчириб ёзамиз:

$$\begin{aligned} \tilde{e}_{k+1} = & A_0 \cdot x_k + K_a \cdot x_k + B_0 \cdot g_k - B_0 \cdot D \cdot \tilde{x}_k - B_0 \cdot B_0^+ \cdot K_a \cdot \tilde{x}_k - \\ & - A^M \cdot x_k^M - B^M \cdot g_k^M + \sigma + B_0 \cdot B_0^+ \cdot \mu_k - B_0 \cdot B_0^+ \cdot K_b \cdot u_k + K_b \cdot u_k. \end{aligned} \quad (18)$$

Тенгламадаги (18) ни белгилаб  $e_k = x_k - \tilde{x}_k$  - кечикиши йўқ объектнинг ҳолат ўзгарувчиларини баҳолаш хатолигини иккинчи соزلанувчи модел сифатида ажратиб оламиз:

$$\tilde{x}_{k+1} = A_k \cdot \tilde{x}_k + G \cdot C \cdot e_k - B_k \cdot u_k + \sigma.$$

Идентификациянинг  $\|e_k\| \leq \varepsilon_0, \forall t \geq t_M$  мақсадини бажаришда  $\lim_{k \rightarrow k_M} \|e_k\| = \lim_{k \rightarrow k_M} \|x_k - \tilde{x}_k\| \leq \varepsilon_0, \forall k \geq k_M$ , мақсади ҳам бажарилади, бу ерда  $k_M \rightarrow k_y, k_y$  - объектни бошқариш вақти (давомийлиги).

Бу ҳолда (18) ни қуйидаги кўринишда кўчириб ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \tilde{e}_{k+1} = & (A_0 - B_0 \cdot D) \cdot x_k + B_0 \cdot g_k + B_0 \cdot D \cdot e_k - A^M \cdot x_k^M - B^M \cdot g_k^M + \sigma + B_0 \cdot B_0^+ \cdot \mu_k + \\ & + B_0 \cdot B_0^+ \cdot K_a \cdot e_k + (I - B_0 \cdot B_0^+) \cdot K_a \cdot x_k + (I - B_0 \cdot B_0^+) \cdot K_b \cdot u_k. \end{aligned} \quad (19)$$

Агар бошқариш бўйича мослашувчанлик шартлари  $(I - B_0 \cdot B_0^+) \cdot (A^M - A_0) = 0$  ва  $(I - B_0 \cdot B_0^+) \cdot B^M = 0$ , бажарилса, қуйидаги нисбатни ҳосил қиламиз:

$$A_0 - B_0 \cdot D = A^M \text{ и } B_0 = B^M. \quad (20)$$

Тенглама (20) ни ҳисобга олиб, (19) тенгламани қуйидагича кўчириб ёзамиз:

$$\tilde{e}_{k+1} = A^M \cdot \tilde{e}_k + B_0 \cdot D \cdot e_k + \sigma + B_0 \cdot B_0^+ \cdot \mu_k + B_0 \cdot B_0^+ \cdot K_a \cdot e_k,$$

бунда  $D$  матрицанинг элементлари тенглама (20) дан топилади.

$\tilde{\xi}_k = B_0 \cdot D \cdot e_k + \sigma + B_0 \cdot B_0^+ \cdot \mu_k + B_0 \cdot B_0^+ \cdot K_a \cdot e_k$  ифодани киритиб, бошқариш хатолиги учун узил-кесил тенгламани топамиз:  $\tilde{e}_{k+1} = A^M \cdot \tilde{e}_k + \tilde{\xi}_k$ . Юқорида айтилган шартлар бўйича идентификациялаш бўйича мосланганлик  $(I - L \cdot L^+) \cdot \sigma = 0$  бажарилади, яъни  $t_k \rightarrow \infty$  да баҳолаш жараёнининг асимптотик тургунлиги  $e_k \rightarrow 0$  ўринли бўлади; бу ерда  $L = P^{-1} C^T$ ,  $P$  - симметрик мусбат матрица. Бунинг устига адаптация бўйича мосланганлик шarti қаноатлантирилади:  $(I - B_0 \cdot B_0^+) \cdot \sigma = 0$ . Бу ҳолда система асимптотик тургун ва бошқариш мақсади  $\lim_{\tau \rightarrow 0} \|\tilde{e}_k\| = 0$  бажарилади.

Кўрилатган ҳолатда Эрмит усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, унга кўра псевдотескари матрица қуйидаги формула асосида аниқланади  $B_0^+ = B_0^T M^- B_0$ , бу ерда  $M = (B_0 B_0^T)^2$ , бунда  $M^- = F^T R E$  - матрица  $M$  учун рефлексив  $g$ -тескари (умумлашган тескари) матрица, бу ҳолат учун  $M$  ва  $R$  матрицалар Эрмит ҳолати,  $R$  - диагональ “бир”лар сони  $r$ , қолганлари “ноль” асосий диагоналда.

Келтирилган кечикишли объектларни адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг тургун алгоритмлари ҳолат векторининг вақт бўйича исталган қонун бўйича ўзгаришини дастур бўйича амалга ошириш имконини беради ва системанинг ҳаракатларини эталон ҳаракатга яқинлаштиради.

Кечикишлар фақат бошқаришда бўладиган объектлар учун адаптацияловчи алгоритмларни синтезлаш масаласини кўриб чиқамиз. Бундай объектларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларни чуқур манфий боғланиш билан қамраб олиб бўлмайди, чунки бунда система тургун

бўлмайди. Бундай объектларни бошқариш айниқса, ноаниқлик шароитларида қийин, чунки объект, бошқарувчи таъсирларнинг “ноль” ҳолатида тургун бўлади.

Фараз қиламиз, бошқариш объекти қуйидаги тенгламалар билан ифодаланади (13). Чикиш параметрларнинг вектори, бир мунча вақт ўтгандан кейин берилаётган таъсирлар  $-g_0$  нинг  $s$ -ўлчамли векторига яқин бўлиши талаб этилади. Шунини ҳисобга олиб, мақсад шартларини қуйидаги тенгсизлик кўринишида берамиз:

$$\eta_q = (y_k - g_0)^T K (y_k - g_0) \leq \varepsilon, \quad (21)$$

бу ерда  $K = K^T > 0$ ,  $\varepsilon$  - бериладиган таъсирлар талаб этиладиган даражада аниқ ишлашини белгилайдиган мусбат сон. Бошқарувчи қурилма структурасини ҳосил қилиш учун қуйидаги ифодадан фойдаланамиз

$$y_{k+1} = \sum_{i=0}^{n-1} A_i^* y_{k-i} + \sum_{i=0}^z B_i^* u_{k-i-1} + \sum_{i=0}^p D_i w_{k-i}. \quad (22)$$

Мақсад шартлари (21) ни  $k+l$  вақт моменти учун ёзамиз:

$$(y_{k+l} - g_0)^T K (y_{k+l} - g_0) \leq \varepsilon \quad (25)$$

ва  $C_0$  матрица билан  $v_k$  векторни киритамиз:  $C_0 = [A_0 \dots A_{n-1} \dots B_{l+z} \dots -1]$ ,  $v_k = \text{col}[y_k, \dots, y_{k-n+1}, \dots, u_{k-1}, \dots, u_{k-z-i} g_0]$ , шунда мақсад шартлари (25) қуйидаги кўринишни олади:

$$[B_0 u_k + C_0 v_k + v_k]^T K [B_0 u_k + C_0 v_k + v_k] \leq \varepsilon, \quad (26)$$

ва  $v_k \equiv 0$  бўлганда (26) нинг бажарилишини таъминлайдиган бошқариш қонуни қуйидаги кўринишни олади:

$$B_0 u_k = f_k, \quad (27)$$

ёки  $u_k = B_0^+ f_k = C_0 v_k$ , бу ерда  $B_0^+$  – псевдотескари матрица,  $f_k = -C_0 v_k$ .

Қуйидаги (27) система умумий ҳолда мос келмайдиган бўлиши мумкин.  $u_k$  – чизикли алгебраик тенгламанинг  $f_k = \tilde{f}_k \in R^m$  учун нормал псевдоечим бўлсин, яъни  $Z_0 = \{u_k \in R^n : \|\tilde{B}_0 u_k - \tilde{f}_k\| = \inf\}$ , кўпликдан шундай элемент-ки, унинг учун  $\|\bar{u}_k\| = \inf\{\|u_k\| : u_k \in Z_0\}$  бўлади.

Аппроксимация шартлари учун қуйидаги кўринишни қўллаймиз:  $B_{0,h} \in \mathcal{U}$ ,  $\|B_{0,h} - \tilde{B}_0\| \leq h$ ,  $f_{k,\delta} \in R^m$ ,  $\|f_{k,\delta} - \tilde{f}_k\| \leq \delta$ , бу ерда  $h$  ва  $\delta$  – тахминий маълумотларнинг берилган қийматлари шартларни қаноатлантиради, деб ҳисобласак, унда  $u_{k,h\delta} \equiv B_{0,h}^+ f_{k,\delta}$  элемент, умуман олганда  $h, \delta \rightarrow 0$  да  $\bar{u}_k$  га яқинлашмайди.

Қуйидаги (27) тенгламани ечиш учун минимал псевдотескари матрица усулидан фойдаланамиз, у экстримал масалани ечишдан иборат: шундай матрица  $\tilde{B}_{0,h} \in \mathcal{U}$  ни топиш керак-ки,  $\|\tilde{B}_{0,h}^+\|_* = \inf\{\|B_0^+\|_* : B_0 \in \mathcal{U}, \|B_0 - B_{0,h}\| \leq h\}$ , бўлсин ва кейин  $u_{k,\eta} \equiv \tilde{B}_{0,h}^+ f_{k,\delta}$  элементни қуришда бу элемент  $\bar{u}_k$  га яқинлашди деб қабул қилинади. Бу ерда  $\|\cdot\|_*$  – ўлчами  $n \times m$  бўлган матрицалар  $-\mathcal{U}^*$  фазосида евклид меъёри. Қуйидаги таъкидланишича, сингуляр ёйилмаси  $B_0 = URV^T \in \mathcal{U}$ ,  $R = \text{diag}(\rho_1, \dots, \rho_M)$  бўлган ҳар қандай матрица  $B_0$  учун қуйидагилар ўринли:

$$\sum_{k=1}^M (\rho_k - \bar{\rho}_k)^2 \leq \|B_0 - \tilde{B}_0\|^2, \quad \|B_0^+\|_*^2 = \sum_{k=1}^M \Theta(\rho_k^2) = \sum_{k=1}^{r(B_0)} \rho_k^{-2}; \quad r(B_0) \equiv \text{rang} B_0.$$

бу ерда  $\Theta(\rho) \equiv \{\rho^{-1}$  дан  $\rho \neq 0$ ;  $0$  дан  $\rho = 0\}$ , шундай сонлар  $\hat{\rho}_1, \dots, \hat{\rho}_M \geq 0$  ни топиш керак-ки,

$$\sum_{k=1}^M \Theta(\hat{\rho}_k^2) = \inf \left\{ \sum_{k=1}^M \Theta(\rho_k^2) : \sum_{k=1}^M (\rho_k - \tilde{\rho}_k)^2 \leq h^2; \rho_1, \dots, \rho_M \geq 0 \right\} \quad (28)$$

Масалани (28) ечиб,  $u_{k,\eta}$  нинг  $\bar{u}_k$  га яқин қийматини топиш мумкин  $\bar{u}_k : u_{k,\eta} = V_h \hat{R}_h^+ U_h^T f_{k,\delta}$ ,  $\hat{R}_h^+ = \text{diag}[\Theta(\hat{\rho}_1), \dots, \Theta(\hat{\rho}_M)] \in \mathbf{U}^*$ .

Фараз қиламиз, шундай бошқарув  $u_*$  мавжуд-ки,  $u_k = u_*$  бўлганда  $\|y_{k+1}\| \leq d^*$ ,  $d > 0$ , шарт бажарилади, яъни қандайдир авариявий бошқарув  $u_*$ , мавжуд-ки, агар назорат остидаги параметрлар белгиланган чегарадан ташқарига чиқса, ундан фойдаланилади. Қуйидаги  $C_*$  матрица номаълумлигини ҳисобга олиб, бошқарувчи қурилманинг структурасини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз: агар  $\|y_k\| > \delta_1$  бўлса  $u_k = u_*$ ; агар  $\|y_k\| \leq \delta_1$  бўлса  $u_k = C_k v_k$ , бу ерда  $C_k$  – созланадиган параметрлар матрицаси. Бу ҳолатда бошқарувчи қурилма структураси қуйидаги кўринишда танлаб олинади: агар  $\|y_k\| \leq \delta_1$  бўлса  $u_k = \tilde{C}_k \tilde{v}_k$ , агар  $\|y_k\| > \delta_1$  бўлса,  $u_k = u_*$ , бу ерда  $\tilde{C}_k$  – созланадиган параметрлар матрицаси.

Адаптация алгоритмларини тузиш учун қуйидаги методикадан фойдаланамиз. Биринчидан, кучайтирилган мақсад шартлари  $C_k = C_*$  бўлганда,  $\eta_{k+i} \leq \rho^2 \varepsilon$ ,  $0 < \rho < 1$  бажарилишини текшираемиз. Қуйидаги  $K$  матрицани кўпайтувчиларга ажратамиз:  $K = (B_0^+)^T H B_0^+$ , бу ерда  $H = H^T > 0$ , шунда  $v_k \equiv 0$ , учун ҳосил қиламиз:

$$(-B_0^+ A_0 v_k - f_k)^T (B_0^+)^T H B_0^+ (B_0^+ v_k - f_k) = B_0^+ f_k - B_0^+ f_k)^T H (B_0^+ v_k - B_0^+ f_k) \leq \rho^2 \varepsilon.$$

Шунда рекуррент мақсад тенгсизликларидан фойдаланиб  $C_k$  матрицани созлаш амалини тузиш мумкин:  $C_{k+l} = C_{k+l-1}$ , агар  $\eta_{k+l} \leq \varepsilon$ ,  $\|C_{k+l-1} v_{k+l}\| \leq \varphi$ ;  $C_{k+l} = q C_{k+l-1} / \|v_{k+l}\| \|C_{k+l-1}\|$ , агар  $\eta_{k+l} \leq \varepsilon$ ,  $\|C_{k+l-1} v_{k+l}\| > \varphi$ .

